


Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University

1/2023



@buxdu_uz



@buxdu1



@buxdu1



www.buxdu.uz



BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI



1/2023

Ismatullayeva I.I.	Hozirgi zamon tilshunosligida konseptni o'rganish metodlari, usullari va klassifikatsiyasi	135
Mehmonova Y. Ch.	Typology of collocations in combinatorial linguistics	139
Nuniyazova Sh. U., Djumabaeva J.Sh.	Comparative analysis in translation of English idioms and set expressions into Uzbek and Russian	144
Rajabov E.E.	O'zbek va ingliz tillaridagi "oila" tushunchasi konseptual maydonining lingvokognitiv tahlili	148
Ruziyeva N. X.	Zamonaviy tilshunoslikda matn va diskurs talqini	153
Xodjayeva D.I., Safarova M.H.	Ingliz tilini o'qitishda fonetik interferensiyaning o'rni	157
Samandarova G.Y.	Sodda gap ko'rinishidagi "hasharot" lug'aviy ma'no guruhlari asosida shakllangan paremlarning o'ziga xos xususiyatlari	161
Sayfullayev B.N.	Noqardosh tillarda o'zlashtirmalik (o'zbek va fransuz tillari misolida)	165
To'yboyeva Sh.R.	Fransuz tilida sodda gap tarkibiy qismlarini tarjima qilishda yuzaga keladigan muammolar yechimi	170
Абдурахманова М.У.	"Кўрлик" касаллигининг ўзбек, рус, инглиз тилларидаги лингвистик-семантик тадқиқи	174
Ахмедова М.Х.	Ўқув жараёнига тааллуқли ноадабий сўзларнинг психолингвистик хусусиятлари	180
Вахидова Ф.С.	Дискурса диний туризм ва зиёрат туризми терминларининг воқеланиши	183
Avezov S.S.	A Corpus-based approach to phraseology research	189
Kobilova A.B.	Ingliz va o'zbek tibbiy perifrazarlarining semantik mikromaydonidagi lingvokulturologik xosliklari	194
Bobokalonov R.R., Narzulaeva D.B.	Vocabulary of the Qur'an in the object of theolinguistics	203
Nazarova G.P.	Muloqotda gender farq muammolari xususida	210
Raxmatov A.P.	Plusquamperfekt zamon shaklining grammatik ma'nolari va uning kontekstual tahlili (nemis tili misolida)	215
Sayidova G.Y.	Alisher Navoiy nazmiy asarlaridagi o'xshatishlarning leksik-grammatik tabiati	221
Rasulov Z.I., Yuldasheva F.E.	Xushmuomalalikning nutq odobida ifodalanishi	232
Бозоров З.А.	Речевая культура в качестве неотъемлемой части языковой культуры личности	240
Мавлонова М.Д.	Инглизча ахборот технологиялари терминларининг ўзбек тилига ўзлаштириш жараёнида маъно торайиши ва кенгайиши ходисалари	245
Шарипова А.А.	Луғат корпусини яратиш технологияси	251
Hayotova D.Z.	Tushuncha va so'z munosabati	255
Mamatova D.M.	Xitoy tilida ta'm bildiruvchi sifatlar tahlili	259
Сафаров Ф.С.	Маънодошлик каторидаги сўзлар орасидаги маъновий муносабат ҳақида	266
Akhmedova D.B.	Semantic comments in an explanatory dictionary and their processing as a semantic extension	272
ADABIYOTSHUNOSLIK *** LITERARY CRITICISM *** ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ		
Темирова Дж. Х.	Отражение национальной картины мира в русском и узбекском детском фольклоре	277
Насруллаев Э.Ж.	Алишер Навоий "Ҳикмат ва ибрат достони"нинг ғоявий таҳлили	284
Шарипова Л.Ф.,	Шекспир ва Рауф Парфи сонетларида бадиий тасвир	288

ДИСКУРСДА ДИНИЙ ТУРИЗМ ВА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ ТЕРМИНЛАРИНИНГ
ВОҚЕЛАНИШИ

*Вахидова Фотима Саидовна,
Бухоро давлат университети
Инглиз тилишунослиги кафедраси
катта ўқитувчиси
f.s.vaxidova@buxdu.uz*

Аннотация: Мақолада диний туризм ва зиёрат туризми каби терминларининг дискурсда воқеланиши таҳлил этилган. Экскурсион ўрганиш йўналишидаги диний туризм вазифалари ҳамда мамлакатимизда зиёрат туризмни ривожлантиришида эришилган ютуқлар таҳлил этилган. Шунингдек, диний туризм ва зиёрат тушунчаларининг бир-бирига синоним тарзда ишлатилиши кўп ўринларда учраши таъкидланган.

Калит сўзлар: дискурс, воқеланиш, зиёрат туризми, диний туризм, диний-экскурсия туризми.

Аннотация: В статье изучена вербализация таких терминов, как религиозный туризм и паломнический туризм в дискурсе. Анализируются задачи религиозного туризма в экскурсионно-познавательной сфере и достижения в развитии паломнического туризма в нашей стране. Также отмечается, что понятия религиозного туризма и паломничества во многих местах используются как синонимы.

Ключевые слова: дискурс, вербализация, паломнический туризм, религиозный туризм, религиозно-экскурсионный туризм.

Abstract: The article studies the verbalization of such terms as religious tourism and pilgrimage tourism in the discourse. The tasks of pilgrimage tourism in the field of travelling are studied. The achievements in the development of pilgrimage tourism in the country are analyzed. It is also noted that the concepts of religious tourism and pilgrimage are used synonymously in many places.

Key words: discourse, verbalization, pilgrimage tourism, religious tourism, religious- excursion tourism.

Кириш. Инсоннинг нутқ орқали амалга ошириган барча ижтимоий фаолияти дискурсив характерга эга. XX аср сўнгидаги тилшуносликдаги устун назариялардан бири дискурс таҳлил назариясидир. Дискурс таҳлилининг мақсади нега бошқа эмас, айнан шу гаплар ишлатилган, нега айнан шу ижтимоий манбалар ишлатилишининг кучлари ишга солинганлигини тушунтиришдир: деб таъкидлаган В.З. Демьянков. “Discourse– битта гапдан ёки мустақил гап қисмидан кўпроқ матннинг ихтиёрий фрагменти. Кўпинча, лекин доимо эмас қандайдир таянч концепт атрофида жамланади. Ҳаракатланадиган шахслар (tourist-сайёҳ/pilgrim –зиёратчи/ traveler –саёхатчи; объектлар (heritage-маданий мерос, ҳолатлар (илохийлик/divinity, замонлар (қадим/ancient), ҳаракатларни тасвирлайдиган (ибодат/pray)умумий контекстни ҳосил қилади.

“Диний туризм атамаси одатда “зиёрат” сўзининг синоними сифатида қўлланилади. Зиёрат ва диний туризм ҳақида гапирганда, аввало, уларга тегишли атамалар, уларнинг туризмда ва турли динлар эътиқоди амалиётида қўлланилиш хусусиятларини аниқлаш муҳимдир.

Диний туризм тадқиқотчилар томонидан турли хил хусусиятларга эга бўлган.

Гисберт Риншед уларни давомийлиги, гуруҳ катталиги ва ижтимоий тузилиши бўйича ажратиб туради[2], деган фикрни илгари суради.

Жули Геворгиан мотивацияси билан фарқ қилувчи иккита тоифани таклиф қилади, яъни “ҳаж туризм “маънавий сабабларга кўра ёки диний маросимларда қатнашиш учун” ва черков туризм “соборлар каби ёдгорликларни кўриш учун.”[3][4]

Христиан руҳонийси Франк Фахей, зиёратчи “ҳар доим сайёҳ бўлиш хавфи остида”, деб ёзади ва аксинча, чунки саёхат ҳар доим унинг фикрига кўра уйдаги ҳаётнинг қатъий тартибини бузади ва улар ўртасидаги саккизта фарқни аниқлайди:[5]

Мусулмонларнинг ер юзи бўйлаб турли мақсадларда, диний ибодатларни адо этиш (ҳаж ва умра), ризқ излаш ва умуман бошқа сабаблари билан саёхат қилиши туризм соҳасида ўзига хос ёндашув ва стандартларга асос солинишига сабабчи бўлди. Шу ўринда туризм мутахассислари

мусулмонларнинг диний талабларидан чиқмаган ҳолда ҳар қандай сабаб билан саёҳат қилишларини барча учун бирдай тушунарли бўлиши учун қандай номланиши устида фикрлар билдирганлар. Турли атамалар тавсия этилган: зиёрат туризми, Исломий туризм, диний туризм, шаръий туризм, ҳалол туризм ва ҳоказо. Юқоридаги атамаларнинг барчасининг муаммоли жиҳатлари бор эди. Мисол учун зиёрат туризми дейилганда, кўпчилик мусулмонлар фақат ҳаж ва умра зиёратларини тушунадилар, исломий туризм ва диний туризм шоппинг, саёҳат ва дам олишни қамраб олмайди, барча саёҳат ҳам тўлалигича шаръий бўлмаслиги мумкин ва ҳоказо. [6]

Қуръони Каримнинг “Анкабут” сураси 20-оятда «**Ер юзида сайр этиб юринглар ва махлуқотларни У зот аввал бошдан қандай яратганига назар солинглар...**», деб айт” ёзилгани **диний туризмни тарғиб қилади**. Диний туризм- диний марказларга саёҳат қилишни ўз ичига олади, бу ерда сайёҳлар диний обидаларни, музейларни кўриши, диний тадбирларда қатнашиши, диний марказларга, бой диний анъаналарга эга бўлган мамлакатларга ва минтақаларга ташриф буюриб, диний мерос - қўлёмалар, диний меъморчилик объектларини ўрганадилар.

Асосий қисм. Зиёрат туризми атамасининг тушунчаси – диндорларнинг диний қадамжоларга ташрифлари – унинг ташкил этувчи кишиларнинг кўпчилиги томонидан рад этилади: улар учун “зиёрат” ва “туризм” турлича, гоҳида бир-бирини истисно қилувчи тушунчалардир. Шунинг учун ўхшаш мазмунга эга бўлган – диний туризм атамаси қўлланилади.

“Зиёрат” атамаси ҳозирги кунда барча динлар эътиқодларда қўлланилади. Сўзнинг ўзи гарчи аниқ мотивланган саёҳатларнинг шакли - салб юришлари, зиёратлар давридагина пайдо бўлган бўлса-да, узоқ тарихга эгадир. Этнографик ва ёзма манбаларга кўра қадимги юнонлар ва римликларнинг узоқ жойлардаги маъбудларга ибодат қилиш, қадимги герман қабилаларининг муқаддас дарахтзорларга зиёрат мақсадида боришлари амалиётлари ҳақида маълумотлар сақланиб қолган.

Диний туризм турли эътиқодли кишиларнинг диний эҳтиёжларига асосланади. Диний туризмни энг қадимги деб аташ мумкин, унинг илдизлари қадим замонларга бориб тақалади. Унинг иккита асосий тури мавжуд: зиёрат туризми (маънавий ва зиёрат йўналишини алоҳида ажратиб кўрсатиш керак) ва экскурсия ва маърифий йўналишдаги диний туризм. Айрим конфессиялардаги диний туризм ўзига хос хусусиятларга эга.

“Диний туризм” –бу ўзларининг яшаб турган муҳитларидан ташқарида жойлашган муқаддас қадамжолар ва диний марказларга йўналаётган туристларга хизмат кўрсатиш ва уларнинг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ фаолият турларидир”. Туризм атамалари луғати мазкур атамани четлаб ўтади, бироқ унинг асосий турларидан бири сифатида кўрилиши мумкин бўлган: диндорларнинг муқаддас қадамжоларга сиғиниш учун саёҳат - қадимги христианларнинг Фаластиндан палма шохини келтириш одати билан боғлиқ ҳисобланадиган диний туризм билан чамбарчас боғланган зиёрат деб номлаб тушунчасига таъриф беради:

Диний туризм қуйидаги икки асосий шаклларга бўлинади:

- зиёрат туризми;

- экскурсион-ўрганиш йўналишга мўлжалланган диний туризм.

Баъзи ҳолларда зиёратчилар ва экскурсантлар бирлаштирилган ихтисослаштирилган турларни ажратиб кўрсатишади. Ихтисослаштирилган турлар ўтмишдаги диний қадамжолар ва архитектура ёдгорликларига ташриф буюришни назарда тутган ҳолда камида уч кунга мўлжалланади. Баъзан бундай турларнинг ташкил этилиши учун рухсат (ижозат) талаб этилади.

Диний туризм ва унинг турлари қуйидаги шаклларда намоён бўлади. “Темир парда” ва чегараларнинг очилиши муносабати билан кўплаб ватандошларимиз хорижга интилишди. Мазкур зиёратларнинг маълум қисми диндор киши учун қизиқарли бўлган мамлакатларга амалга оширилди. Мусулмонлар муқаддас заминга Макка ва Мадинаи мунаварага, насронийлар Юнонистон ва Мисрга, яҳудийлар эса Қуддусга ва ҳоказо. Ўзбекистонда диний онгни уйғотишга қаратилган ҳолда туристик агентликлар мижозларни кўпайтириш мақсадида ўз турларига нисбатан анча нотаниш бўлган зиёрат сўзини фаол равишда ҳал этилади. Шу туфайли, тадқиқ этиладиган тушунчани аниқлаш кераклиги шаклланди.

Зиёрат- pilgrimage - бу аниқ белгиланган диний мақсадларда муқаддас қадамжоларга саёҳат ёки зиёратдир. Зиёрат у ёки бу шаклда деярли барча динлар ва мажусийлар культларида қабул қилинган. Ҳозирги пайтда зиёратчилар туристик индустриянинг хизматларидан кенг фойдаланишади, мазкур турларни ташкил этадиган махсус туристик фирмалар барпо этилади. Зиёрат турлари диний-ўрганиш ёки маданий-тарихий турлардан фарқли равишда фақат билиш мақсадларига бўлмаган маросимларни амалга ошириш орқали муайян эътиқодни ташийдилар. Дастурнинг дам олишга мўлжалланган бўлими соғломлаштириш ва ўрганишга йўналтирилганлиги рухсат берилса-да анча қисқартирилган

Зиёратнинг маъноси муқаддас қадамжоларга сиғинишда намоён бўлади. Мазкур сиғиниш диний характерга эга бўлиб эҳтиром кўрсатиладиган қадамжоларда ибодат ва диний маросимларни амалга ошириш билан боғлиқдир. Муқаддас қадамжоларга қилинган диний ибодат билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай бошқа ташриф асл зиёратга тегишли эмасдир. Диний туризмнинг мазкур тури турли дин вакилларининг зиёрат мақсадларидаги ташрифлари мажмуасидир. Зиёратни биз кишиларнинг муқаддас жойларга сиғиниш учун қилинган саёҳати, деб тушунамиз. Зиёратни амалга оширишга кишиларни кўплаб турли сабаблар ундайди.

Биринчидан, диний маросимни бажариш (ибодат, намоз ўқиш, истиғфор келтириш). Куръон тиловат қилиш ва 5 вақт намоз ўқиш масжиднинг асосий ички базаси ва мазмунини намоён этади. Иккинчидан, маънавий такомиллашув. Ўнлаб ва юз минглаб турли кишилар бизнинг масжидларимизга жума намозларда хутба ўқилиши айнан маънавий озуқа мақсадида келишади. Учинчидан, неъмат, маънавий ва жисмоний маслаҳатни олишдир. Тўртинчидан, диний маърифат. Бешинчидан, муқаддас жой, Кабатуллоҳни тавоф қилиш, оллоҳга сиғиниш.

Диний туризм асосида ўзларининг одатдаги яшаш жойларидан ташқаридаги диний марказларга йўналаётган туристларнинг эҳтиёжларини қондириш ва хизмат кўрсатишдир. Диний туризмда туризмнинг бошқа типлари каби ўз шакллари: экскурсион йўналишдаги зиёрат туризми ва диний туризми бор.

Диний туризмнинг турлари ва шакллари: диний туризмнинг анча кенг ҳажми энг кўп тарқалган динлар: христианлик, ислом, иудаизм ва буддизмга мувофиқ бўлади. Туристик бозорда кейинги иккита йўналиш мавжуд эмас. Муқаддас қадамжолар, авлиёлар, буюк дин раҳнамолари макбаралари, улар орқали оллоҳга эҳтиром дуо қилиш ибодат ҳисобланади.

Шундай қилиб, авваллари кенг истеъмолда бўлган “ибодат қилувчи” сўзи масжид/черков ва унинг диний таълимоти билан боғлиқдир. Мазкур таълимот, шунингдек, муқаддас қадамжоларга сиғинишда мужассамлашган зиёратнинг мазмунини кўрсатади. Сиғиниш диний характерга эга бўлади ва муқаддас қадамжоларда ибодатларни амалга оширишни билан боғлиқдир. Муқаддас қадамжоларга бошқа мақсадда зиёрат қилиш асл зиёратга тегишли эмасдир [4].

Зиёрат туризми – бу турли конфессия вакилларининг зиёрат мақсадларидаги ташрифлари мажмуасидир.

Зиёрат- диндорларнинг муқаддас жойларга сиғинишга интилишдир.

Зиёратни амалга ошириш учун сабаблар каторига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- жисмоний ва рухий иллатлардан қутулиш истаги;
- ўз қариндошлар ва яқинлари учун дуо қилиш;
- неъматларга эришиш;
- худога хуш ёқадиган ишни қилиш;
- айбларни ювиш;
- юқоридан юбориладиган неъматлар учун миннатдорликни билдириш;
- иймонга содиқликни намоён қилиш;
- эътиқод йўлида ҳаракатчанликка интилиш;
- ҳаёт мазмунини топиш.

Зиёрат инсоннинг воқеликка муайян муносабатини назарда тутати. Зиёрат ғояси ўз навбатида алоҳида шартлар асосида зиммага олинган ҳаракатларни кўзлайди. Бу кишининг абадий маънавий қадриятлар ўрнини ўтқинчи моддий қадриятларга қурбон қилишга тайёргарлигининг тимсолидир. Ислон, индуизм, православие ва католицизмда пиёда зиёрат қилишлар кенг ривожланган. Кишилар зиёратга уларда ўз яшаш жойларида маросим ҳаракатларини амалга оширишга имкон камлиги учун боришади. Зиёратчилар одатда хизмат кўрсатилиши, овқатланиш ва жойлашиш масалаларига анча кам талабларни илгари суришади.

Зиёрат арабча сўз бўлиб, у ўзбек тилида бориб кўриш маъносини ифодалайди. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бу сўзга қуйидагича изоҳ берилади: “Зиёрат-арабча сўз бўлиб, у ташриф, табаррук жойларга сафар қилиш”. Зиёрат ўтган аجدодлар дафн қилинган жойларни бориб кўришдир. Биз ўтган аجدодларимизни хотирлаш ва улардан ибратланиш, охиратни эслаш учун зиёратга борамиз. Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай деганлар: “*Зиёратгоҳ(қабр)ни зиёрат қилишни истаган киши зиёрат қилсин, чунки уларнинг зиёрати бизга охиратни эслатади*”. (Бухорий ривояти). [7]

Экскурсион ўрганиш йўналишидаги диний туризм ўз навбатида туристлар диний объектларни – фаол кулът ёдгорликларига ташриф буюришни, музейларни кўриши, ибодатларда иштирок этиши ва бошқа диний тадбирларда қатнашиши мумкинлигини назарда тутати. Шунинг таъкидлаш лозимки, экскурсантлар-туристлар, жумладан, бошқа дин вакиллари барча тадбирларга ҳам қатнаша олмайдилар.

Диний йўналишдаги ўрганишга мўлжалланган турлар зиёрат турларидан фаркли равишда қисқа муддатли ҳисобланади, улар диний байрамларга бағишланмасдан, уларда катталар ҳам болалар ҳам иштирок эта олади. Туристлар диний объектларга аралаш турлар давомида ҳам ташриф эта олишади, уларда экскурсион ташкил этувчи дастурнинг фақатгина бир қисми ҳисобланади. Зиёратчилар учун экскурсия культ ҳаракатларига нисбатан иккиламчи хусусиятга эга бўлади. Шунга қарамасдан, баъзи турларда зиёратчилар ҳам экскурсантлар ҳам иштирок этишади. Диний йўналишдаги экскурсион турлар камида уч кунга мўлжалланиб диний қадамжолар ва ўтмишдаги архитектура ёдгорликларга ташриф буюришга мўлжалланган. Баъзида бундай турларни ташкил этишда масжид раҳбарининг руҳсати (ижозати) керак бўлади. Ўрганишга мўлжалланган турларда мавжуд туристик инфраструктуранинг элементлари – жойлаштириш, овқатланиш, транспорт воситалари қўлланилади.

Туристик марказларнинг нуқтаи назаридан диний туризмга диний тематикадаги илмий туризм яқиндир. Олимлар диний бой анъаналарга эга мавжуд динлар, мамлакатлар ва минтақаларга ташриф буюришади. Бундай ташрифлар кўп сонли эмас, бироқ улар туристик ташрифлар географиясини кенгайтиради. Олимларни диний мерос – ҳозир мавжуд ва ўтмишдаги динларга тегишли қўлёзма, турли культ предметлари, архитектура шакллари ва бошқалар қизиқтиради.

Экскурсион йўналишдаги зиёрат ташрифлари ва диний турларнинг фарқи уларнинг мақсадидир. Бундан туристларни жойлаштириш ва овқатлантиришнинг хусусиятлари, экскурсион маршрут, кўрсатиш объектининг танланиши, экскурсияни тақдим этишнинг мазмуни ва шаклининг хусусиятлари келиб чиқади. Агарда диний-экскурсион турнинг гуруҳлари учун дам олиш муассасалари кўп бўлган рўза кунларида меҳмонхонада жойлашиш ва ресторанда ёки кафедра одийгина овқатланиш турнинг сифатини баҳолаганга қараганда сезиларсиз бўлса, зиёратчи учун бу ҳолат турфирманинг барча саъй-ҳаракатларини, психологик дискомфорт ва эмоционал кучланишни ўчириб юбориши мумкин.

Зиёрат тури диний-экскурсион турдан фаркли равишда ўзига нафақат ибодатхоналар муқаддас қадамжолар (булоқлар ва б.)га ташриф ва малакали томошани, балки зиёратчининг ибодатхона, мадраса, черков ва монастыр ҳаётида ҳақиқий иштирок этишини, ибодат жараёнига ташриф имкониятини ҳам ўз ичига олади.[10]

Диний ўрганиш ва зиёрат турлари, аввало, экскурсион ташриф ва кўрик объектининг маршрутларини бирлаштириб, одатда масжиду мадрасага ёхуд обидага бўлган ҳар қандай ташрифнинг зиёрат деб номланган мазкур категорияларнинг аралашшига олиб келади. Айни пайтда мазкур турлар (экскурсиялар) турли мақсадларни қўзлайди, айнан зиёрат тури аввало диний мотивланган, экскурсион тур эса ўрганиш билан мотивланган. Мақсадларнинг фарқи, объект танлаш, методик усуллари, кўрсатиш ва гид ҳамроҳлигида гуруҳ билан мулоқот услубининг қўлланилишини ва махсус лексикадан фойдаланилишини ва ҳкз.ни тақозо қилади.

Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан туризм соҳасида алоқалар ўрнатиши ва ривожланиши, юртимизга туристлар оқимининг кириб келишини кўпайтириш, уларга хизмат кўрсатиш учун барча шароитларни яратиш, хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш, туристлар хавфсизлигини таъминлаш, туристик индустрияни ташкил қилиш ва ривожлантириш, соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ташкилий-иқтисодий механизмлар такомиллашиб бормоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 9 февралда “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмининг янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармони қабул қилинди. Унда туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, уларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, мақбул ва қулай ички ва халқаро зиёрат туризми муҳитини яратиш, транспорт йўналишларини кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш, туризм маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, мамлакатимизнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз манзил сифатидаги имижини мустаҳкамлашга йўналтирилган вазифалар белгилаб берилди.

Бу ўз навбатида, ички туризмнинг жадал ривожланиши ҳамда фуқароларимизнинг ҳордиқ чиқаришларига қулай имкон яратади. Ўзбекистондаги зиёрат марказига айлантириш ҳамда атрофидаги 8 нафар буюк уламанинг қабрини тиклаш ва ободонлаштириш ишлари концепцияси “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиши ва амалга оширилишидир. Натижада миллий ва халқаро туристларнинг оқими янада кенгайди.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати сифатида Имом Бухорийнинг бебаҳо меросини кенг қўламда оммалаштириш ва тарғиб қилиш мақсадида хорижий тилларда “Имом Бухорий” зиёрат туризми йўлдош телеканални, хорижий мамлакатларда унинг муҳбирлари фаолият олиб боришини

назарда тутган ҳолда ташкил этиш ва уни ривожлантириш концепциясининг яратилиши ҳисобланади. Мазкур лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон халқаро ислом академияси марказий ўринларни эгаллаши ва мамлакатимизда зиёрат туризмнинг жадал ривожланишига хизмат қилувчи етук мутахассисларни етиштириб беришда, илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда ўз ўрнига эга бўлади. Ўзбекистон туризм индустриясида зиёрат туризми субъектларининг фаолияти, талаб ва таклиф қонунининг устуворлиги, ташкилий-иқтисодий жараёнларни мувофиқлаштиришнинг маъмурий механизмларини яратиш ҳолати каби мавжуд ижтимоий-иқтисодий жараёнлар жамиятдаги турли ихтисослашган институтлар ва уларнинг фаолият юритиш тартибига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Хулоса. Амалга оширилган ишнинг натижаларини кўриб чиқиб қуйидаги хулосасларга келинди.

Зиёрат – бу аниқ белгиланган культ мақсадларига кўра муқаддас қадамжоларга ташриф ёки зиёратдир. Зиёратнинг пайдо бўлиши дунёда асосий диний йўналишларнинг шаклланиши билан боғлиқдир. Зиёрат у ёки бу шаклда барча динлар ва мажусий эътиқодларида қабул қилинган. Ҳозирги кунда зиёратчилар туристик индустрия хизматларидан кенг фойдаланишади. Зиёрат турлари диний-ўрганишга ёки маданий-тарихий асосланган турлардан фарқли равишда нафақат ўрганиш мақсадларни, балки маълум эътиқодларга маросимни амалга ошириш мазмунини билдиради.

Диний туризм (зиёрат) туризмнинг энг қадимги турларидан бири ҳисобланади. Зиёрат, умуман олганда, туризм каби ички (алоҳида мамлакат ичида) ва халқаро бўлади.

Бухоро вилоятида диний туризм ҳозирги кунда етарли даражада ривожланган. Ҳозирги кунга қадар сақланиб келаётган диний иншоотлар диний туризм ва зиёратнинг муҳим объектлари сифатида хизмат қилиши мумкин. Улар орасида диний туризм ва зиёратнинг асосий жойларидаги муҳим объектлари ажратиб кўрсатилган. Умуман олганда, улар бир-биридан фарқланади, уларнинг диний туризм сифатида ҳам зиёрат (ёки аралаш гуруҳлар) сифатида уларни маршрутларга қўшиш мумкин эмасдир:

- диний маросимни амалга ошириш;
- муқаддас даргоҳ, ибодатхона, қабрларни зиёрат қилиш;
- маънавий тақомиллашув;
- шифобахш манбалардан сув ичиш ва даволаниш;
- диний жамоат билан ибодат қилиш

Мазкур туристик маҳсулотнинг асосий истеъмолчилари сифатида диндор кишилар, шунингдек дин тарихи билан қизиқадиган кишилар бўлади.

Зиёрат ташрифларининг турли вариантлари мавжуддир. Масалан етти пирга зиёрат, Чор Бакр зиёрати, Имом ал Бухорий, Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи кўпинча икки кунлик 8 соатдан 36 соатгача мўлжалланган автобус турлари харидоргирдир. Бундай дастурлар қиммат эмас ва улар қисқа муддат ичида бир –биридан унча узоқ бўлмаган вилоятларга ташриф буюришга, ибодатларга иштирок этишга, ташриф буюриладиган жойлардаги диққатга сазовор жойларни томоша қилишга имкон яратади.

Кўп кунлик турлар оддий турристик ташрифлардан анча фарқ қилади. Мазкур туристик маҳсулотнинг асосий хусусиятларидан бири бу туристларнинг ибодатда иштирок этишларидир. Ташрифни ўтказишда туристик гуруҳнинг маънавий билимлари ва манфаатларининг хусусиятлар инobatга олинади. Тегишли равишда, эскурсиянинг оддий матнлари маҳаллий қадамжолар, байрам ёки хотираси ёдга олинadиган авлиё ҳақидаги маълумотлар билан тўлдирилади.

Ниҳоятда, хизмат кўрсатишда овқатланишни ташкил этиш катта аҳамиятга эгадир. Ҳалол концептни инobatга олган ҳолда Ўзбекистонда «Ҳалол» стандартига мувофиқ намунавий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Ҳалол белгиси сертификацияси бўйича халқаро компания World Halal Trust Ислom бизнеси халқаро ассоциацияси кўмагида Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган учта компания сертификатни қўлга киритди.[8]

Ташриф объектлари ўзининг тарихий-маданий қиймати ва диний аҳамияти билан ҳам турли-тумандир. Диний туризмнинг маршрутларини ташкил этишда туристлар ва зиёратчилар ташрифнинг мақсадларини инobatга олиш ва имкониятга кўра бир хилдаги гуруҳларни ташкил этиш лозим. Гид ҳамроҳлиги эскурсия матнини тайёрлашдаги урғу ташрифнинг мақсади билан аниқланди.

Диний туризм халқаро ва ички туризмнинг тизимида катта роль ўйнайди. Кишилар зиёрат ва эскурсион ташрифларга муқаддас қадамжолар ва диний марказларга бориш мақсадида боришади. Улар диний маросимларда иштирок этишга, ибодатда ва қурбонлик келтиришда иштирок этишга ҳаракат қилишади. Дин кишиларнинг хулқ-атворларида ўзликни англаш ва стереотипларни

шакллантиришга таъсир кўрсатади. У ижтимоий тизимнинг элементи, баъзи ҳолларда – энг муҳими сифатида намоён бўлади.

XXI асрда туризм саноати шиддат билан ривожланиб, транспорт ва алоқа воситалари такомиллашди. Кишиларда ўз динларининг муқаддас жойларига ташриф буюриш бўйича катта имкониятлар пайдо бўлди. Бир пайтнинг ўзида бошқа мамлакатларнинг халқларидаги маънавий ютуқларни, ўзлаштириш, уларга тегишли динларнинг мазмунини тушуниш хоҳиши пайдо бўлади. Тахмин қилиш мумкинки, бу қисман сўнги бир неча ўн йилликларда инсониятнинг ҳаётида рўй берган кизгин ўзгаришлар туфайли динлардаги маълум кризислар томонидан келиб чиққан.

Зиёратчиларни диний маросимлардаги бевосита иштирок этиш қизиқтиради. Зиёратчилар асосан ўзлари борган қадамжолар мансуб бўлган динга эътиқод қилишади. Экскурсиялар, музейлар ва кўргазмаларга ташриф буюриш - иккиламчи, йўлдош вазифа ҳисобланади ёки уларга умуман қизиқ эмасдир.

Диний туристлар, биринчи навбатда, зиёратчилар ўзлари яшаб турган оддий муҳитдан ташқарида қандайдир бошқа нарсани амалга ошириш эҳтиёжи пайдо бўлганда диний саёҳатга чиқишади. Кишилар муқаддас жойларга турли мотивларда: ибодат қилиш, шахсий муаммоларни ечиш, қадриятларлар тизимига эга бўлиш, маънавий йўлда қарор топиш, мамлакатнинг маданий мероси билан танишиш учун ташриф буюришади.

АДАБИЁТЛАР :

1. Демьянков В.З. *Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода* / В.З.Демьянков // *Вопросы языкознания*. - 1994. – № 4. - С.17 – 33.
2. Gannon, Martin Joseph; Baxter, Ian W. F.; Collinson, Elaine; Curran, Ross; Farrington, Thomas; Glasgow, Steven; Godsmann, Elliot M.; Gori, Keith; Jack, Gordon R. A. (11 June 2017). "Travelling for Umrah: destination attributes, destination image, and post-travel intentions" (PDF). *The Service Industries Journal*. 37 (7–8): 448–465. doi:10.1080/02642069.2017.1333601. ISSN 0264-2069. S2CID 54745153.
3. Rinschede, Gisbert (1992). "Forms of religious tourism". *Annals of Tourism Research*. **19** (1): 51–67. doi:10.1016/0160-7383(92)90106-Y. ISSN 0160-7383.
4. Gevorgian, Juli. "Religious Tourism". *Academia*. Retrieved 4 December 2019.
5. Ralf van Bühren, *The artistic heritage of Christianity. Promotion and reception of identity. Editorial of the first section in the special issue on Tourism, religious identity and cultural heritage, in Church, Communication and Culture 3* (2018), pp. 195-196.
6. Fahey, Frank (April 2002). "Pilgrims or Tourists?". *The Furrow*. **53** (4): 213–218. JSTOR 27664505.
7. *Зиёрат туризми, Исломиё туризм, диний туризм, шаръий туризм ва ҳалол туризм?* | Azon.uz - Ахборот-таҳлилий портал
8. <https://nasafziyo.uz/index.php?newsid=5623>
9. <https://kun.uz/news/2022/07/29/ozbekistonning-taniqli-kompaniyalaridan-biri-butun-dunyoda-tan-olingan-halol-sertifikatini-qolga-kiritdi?q=%2Fnews%2F2022%2F07%2F29%2Fozbekistonning-taniqli-kompaniyalaridan-biri-butun-dunyoda-tan-olingan-halol-sertifikatini-qolga-kiritdi>
10. Saidovna, V. F. (2021). *The Functional Essence of Some Pilgrimage Terms in The English Language*. *Eurasian Research Bulletin*, 3, 1-6. <https://www.geniusjournals.org/index.php/erb/article/view/259>